

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

---

---

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**FarDU.  
ILMIY  
XABARLAR-**

1995 йилдан нашр этилади  
Йилда 6 марта чиқади

— 2-2020 —

**НАУЧНЫЙ  
ВЕСТНИК.  
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года  
Выходит 6 раз в год

<b>Б.Холматова</b>	
Маънавий маданият тараққиётида миллий ва умуминсоний қадриятларнинг ўзаро алоқадорлиги .....	167
<b>А.Шарафиддинов</b>	
XIX аср охири – XX аср бошларида Қўқон шаҳри аҳолиси ва унинг ўсиш динамикаси.....	170
<b>Д.Алиязарова</b>	
Иккинчи жаҳон уруши йилларида Ўзбекистон ва Озарбайжон ўртасидаги гуманитар алоқалар .....	173
<b>Ш.Мамадалиев</b>	
Болалар ўртасида ҳуқуқбузарликлар олдини олиш бўйича совет ҳокимиятининг фаолияти (1917 – 1921).....	176
<b>М.Мўминова, И.Якубов</b>	
Кетрин Мансфилд ҳикояларидаги ёлғизлик .....	178
<b>Н.Хошимова</b>	
Ассоциацияларнинг фоносемантик тадқиқи .....	180
<b>Н.Аббасова</b>	
Тил ўргатиш жараёнида инглиз мақол ва маталларини ўқитиш муаммолари.....	183
<b>Ш.Юсупова</b>	
Ўзбек тилига хос асосий диний концептлар ҳақида .....	187
<b>М.Курбанова, Д.Юсупова</b>	
Замонавий инглиз тилида “to force” феълининг функционал-семантик ва парадигматик тавсифи.....	190
<b>М.Ғофурова</b>	
Инглиз тилида қўлланиладиган варваризмларнинг функционал – семантик хусусиятлари .....	193
<b>М.Исломова</b>	
Ҳаёт ҳақиқати ва аллегорик тасвир.....	197
<b>С.Исроилова</b>	
Ҳикоят (притча)нинг бадиий адабиётдаги ўрни.....	200
<b>М.Мадазимова</b>	
Чингиз Айтматов ижодида архетип образлар ва уларнинг функцияси.....	203
<b>М.Ҳожиева</b>	
Назира ва унинг мумтоз адабиёт тарихидаги ўрни.....	206
<b>М.Ходжаева</b>	
Тилнинг товуш тизимини тадқиқ қилишнинг назарий методологияси.....	208
<b>М.Қаҳҳорова, Г.Астонова</b>	
Замонавий дарсликларда ёзиш кўникмаларини ривожлантириш усуллари.....	211
<b>Н.Ўринова, З.Жакбарова</b>	
Талабаларда ижтимоий-маданий компетентликни шакллантиришнинг педагогик-психологик муаммолари .....	214
<b>Д.Ҳайдарова</b>	
Нофилологик олий ўқув юртлари талабаларининг чет тилида коммуникатив компетенциясини шакллантириш мазмуни.....	217
<b>Ф.Мирзараҳимова</b>	
Чет тилини ўқитишда ижтимоий-маданий воситалардан фойдаланишнинг айрим жиҳатлари.....	220
<b>М.Қурбонова</b>	
Ўқитувчиларни ўқитиш ва психологик таълимнинг устуворликлари .....	225
	ФАНИМИЗ ФИДОЙЛАРИ
<b>УСТОЗЛАР САРДОРИ</b> .....	227
<b>МОҲИР ТАДҚИҚОТЧИ</b> .....	231

ЧИНГИЗ АЙТМАТОВ ИЖОДИДА АРХЕТИП ОБРАЗЛАР ВА УЛАРНИНГ ФУНКЦИЯСИ

АРХЕТИПИЧЕСКИЕ ОБРАЗЫ В ТВОРЧЕСТВЕ ЧИНГИЗА АЙТМАТОВА И ИХ ФУНКЦИИ

THE ARCHETYPAL IMAGES AND THEIR FUNCTION IN THE CREATION OF CHINGIZ АЙТМАТОВ

М.Мадазимова

*Аннотация*

*Мақолада Чингиз Айтматов ижодида қўлланилган архетип образлар, уларнинг илдиэлари ҳақида фикрлар акс этади. Архетип образларнинг функцияси ёзувчи асарлари ёрдамида таҳлил қилинади.*

*Аннотация*

*В данной статье рассматриваются архетипические образы и их корни в творчестве Чингиза Айтматова. Функция архетипических изображений анализируется при помощи произведений писателя.*

*Annotation*

*This article reflects on archetypal images and their roots in the works of Chingiz Aytmatov. The function of archetypal images is analyzed by the writer's works.*

**Таянч сўз ва иборалар:** Карл Густав Юнг, архетип, тотемизм, миф, мифология, афсона, “адабий персонаж”, рамз, метафора.

**Ключевые слова и выражения:** Карл Густав Юнг, архетип, тотемизм, миф, мифология, легенда, “литературный персонаж”, символ, метафора.

**Keywords and expressions:** Carl Gustav Jung, archetype, totemism, myth, mythology, legend, “literary personality”, symbol, metaphor.

XX асрда жаҳоний шуҳрат топган адиблар анчагина. Аммо уларнинг орасида Чингиз Айтматов ўзининг фазовий тафаккур тарзи, инсон камолоти ҳамда тараққиётига тўсиқ бўлаётган иллатларни жасорат билан фош қила олган, айна пайтда дунё адабиётининг илғор анъаналарини ҳам миллий, ҳам умумтуркий адабиётга дадиллик билан олиб кирган, бу анъаналарнинг нафақат қирғиз, балки бутун туркий адабиётда синтезлашишига улкан ҳисса қўшган, асарларида ўртага ташланган масалалар қанчалик миллий бўлса, шунчалик умуминсоний эканлиги, умуман, адиб Ер сайёрасига, банибашарга тааллуқли энг оғриқли, энг изтиробли, энг долзарб муаммоларни бадиий ва фалсафий мушоҳадага айлантира олган, мазкур муаммоларга ўша пайтнинг ўзидаёқ олтита қитъанинг ҳам эътиборини қаратган, адабиётнинг замон билан уйғун келадиган нуқталарини топа олган улкан ва бетакрор истеъдод эканлиги – ноёб адабий ҳодисалиги билан алоҳида ажралиб туради [1].

Чингиз Айтматов ижодининг ўзига хослиги шундаки, ҳар бир образ зиммасига катта вазифа юклатилади ва бу вазифа ортиғи билан адо этилади. Унинг асарларида яна ҳайвонлар архетиплари алоҳида аҳамиятга

эга ва улар рамзий маъно ифодалаш учун хизмат қилади.

Архетип атамаси юнончадан олинган бўлиб, “илк образ” деган маънони билдиради. Бу атама фанга биринчи марта швейцариялик олим Карл Густав Юнг томонидан киритилган. У аслида архетипни психология фанига алоқадор термин сифатида ишлаб чиққан эди. Юнг архетипларнинг рамзий образларга айланиши ҳақида ўз талқинларини илгари сурди. Жумладан, у мифологик образларнинг ибтидосини, уларнинг ўзаро бир-бирига таъсири ва боғлиқлигини ибтидоий онгнинг маҳсули сифатида қаради ҳамда бу боғлиқликларни гоҳ аналогия (ўхшашлик), гоҳ бирининг натижасида пайдо бўлган бошқа бир янги ҳодиса сифатида баҳолади.

Архетип ҳар қандай ҳолатда ҳам мифологияни назарий жиҳатдан таҳлил қилишда фойдаланиладиган тушунчадир. Зотан, биз юқорида айтган рамзий образ остида миф ётишини ҳисобга олсак, Юнгнинг қарашлари психологиянинггина эмас, балки ёзма ва оғзаки адабиётнинг ҳам муҳим жараёни ҳисобланади [2,162].

Ҳ.Алламберганов тадқиқотларида архетиплар қадимги туркий ёдгорликлардаги оламнинг мифопоэтик таркибида мавжудлиги айтилади. “Ирқ битиги” эса архетип

М.Мадазимова – ФарДУ магистранти.

образларнинг қадимги туркий адабиётда мавжудлигини кўрсатадиган муҳим ёдгорлик эканлиги, ундаги 65 та ҳикоячанинг ҳар бири архетип образлар асосида шаклланганлиги, улардаги ҳар бир образ рамзий маънога эга эканлиги ва товушқон, бургут, илон каби образлар остида архетипларни кўриш мумкинлигини таъкидлайди.

“Ирқ битиги”да нима яхши-ю нима ёмонлиги ҳақидаги ахлоқий қарашлар туркийлар учун муқаддас саналган илон, бўри, бургут, йўлбарс, от ва бошқа ҳайвонлар, жониворлар орқали гавдалантирилади... Бўри ва қўй ҳақидаги масаллар жаҳон адабиётида кўп учрайди. Қўй – ожизлик, бўри – зўравонлик тимсолидир. “Ирқ битиги” даги қуйидаги шеър бундай хусусиятли масалларнинг қадимги намуналаридан ҳисобланади:

Бой кишининг қўйлари хуркиб кетибди,  
Улар бўрига дуч келибди.

Бўри унинг сути билан оғизланибди.  
(ёки бўрининг оғзи касалланибди, яъни оғрибди)

Қўйлар саломат ва тугал қолибди,  
дейишди,

Билиб қўйинг: бу яхши [3, 335].

Чингиз Айтматов асарларида тулки, бўри, ит, туя, от, калхат, балиқ сингари хонаки ва йиртқич ҳайвонлар ўзига хос “адабий персонажлар” [4,548] бўлиб гавдаланади, бу “адабий персонажлар” “Ирқ битиги” да учрайди. Юқоридаги шеърда иштирок этган бўри образи ёзувчининг “Қиёмат” романида асар ғоясини очишда муҳим ўрин тутади.

Архетип образларнинг битта белгиси ғайритабиийлик [2,165] эканини ҳисобга оладиган бўлсак, биз бундай ғайритабиийликни “Ўғузнома” достонида Ўғузнинг туғилиши билан боғлиқ жараёнларда кузатишимиз мумкин. Масалан, Ўғузхоннинг ташқи кўринишига эътибор берадиган бўлсак, бели бўриникидек, оёғи ҳўкизникидек, кўкси айиқникидек бўлади. Биз ер юзидаги биринчи инсон архетипида тотем ҳайвонларнинг белгиларини кўраимиз. Демак, туркий халқларнинг тотемик ёки сиғиниш эътиқодларида архетип образларнинг илк ва қадимий қатламлари ётади.

Чингиз Айтматов асарларида рамзийлик, тотемизм ва архетип образлар ўз функциясига эга ва бевосита бир-бири билан боғлиқдир. “Оқ кема” қиссасида буғу рамзий, архетип образ бўлиб, халқ рамзини ифодалайди. Юқорида туркий халқлар ўзларининг келиб чиқишини турли ҳайвонлар, жумладан, бўри ва буғуга ҳам боғланганлиги айтилди. Демак, “Оқ кема” да буғу, “Қиёмат” романида бўри

архетип образдир ва улар тотемизм билан боғлиқдир. “Оқ кема” да буғу қирғиз халқини сақлаб қолган аждод тимсолида намоён бўлади, у туфайли қирғиз халқи ўз наслини давом эттиради ва буғу улар учун тотем ҳайвонга айланади.

“Қиёмат” романи ғоясини очишга хизмат қилган бўри архетипи остида ҳам эътиқодий қарашлар мавжуд. Сабаби, у ҳам туркий халқларнинг аждоди сифатида намоён бўлади. Худди “Оқ кема” қиссасидаги буғу каби у ҳам халқ ҳаётини сақлаб қолади. Бу воқеа “Бўри уруғлари афсонаси”да акс этади. Ғарбий денгиз қирғоғида яшаган туркийларнинг ота-боболари қўшни қабилалар томонидан қириб ташланади. Фақат ўн ёшли болагина яшириниб тирик қолди. Ўша ерларда яшайдиган урғочи бўри унга хотин бўлди. Очликдан қутқариш, душманлардан яшириниш учун бўри болани олиб, Турфон тоғларига қочиб кетди. Тоғда бир ғор бор эди. У ерда урғочи бўри ўнта бола туғди. Болаларнинг отаси ўша қутқарилган турк эди [3,18].

Бўри тотемига ишонч нафақат туркий халқлар, балки Европадаги айрим халқлар орасида ҳам учрайди. Антик даврда ҳам бўри муқаддас ҳайвон сифатида пайдо бўлди. Ромул ва Рем афсонаси бунга мисол бўла олади. Қадимги римликларнинг ишончига кўра, Рим асосчилари бўлган Ромул ва Ремни она бўри эмизган. Римликларнинг илоҳий аждоди – Марс ҳам бўри шаклида тавсифланган. Бу ҳақда Чингиз Айтматов қуйидагича баён қилади:

“Мен кўпгина халқларнинг афсоналарини, эртақларини эсламан: уларнинг аксариятида бўри инсонга ёрдам беради ёки бош бўгин ота-оналаридан бири бўлади. Масалан, саккизта эмчаги бор машҳур она бўри абадий шаҳар бўлмишнинг асосчиларини Рим-Ромул-Ремни парвариш қилади. ... Улар вояга етгач, кўплаб жасорат намуналарини намоён этадилар ва охир оқибат, ҳокимиятни эгаллайдилар...” [5,147].

Шу сабабдан ҳам ҳозиргача у римликларнинг муқаддас ҳайвони сифатида қадрланади. Демак, бу афсонада бўри образи бош бўгин сифатида иштирок этади. Яъни, у болаларга ота-она бўлади. Шунинг учун ҳам келтирилган афсона Рим аҳолисининг бўрига эътиқод қўйишига асос бўлган. Рим шаҳрида жойлашган бўрининг болалар билан ишланган ҳайкали бунинг далилидир. “Оқ кема” қиссасида она буғу, Ромул-Рем афсонасида эса бўри икки болани қутқариб қолади. Бу қисса ва афсонадаги болаларнинг иккиси ҳам ўлимга маҳкум этилган эди. Эътибор

берадиган бўлсак, икки халқ афсонасида ҳам ўлимга ҳукм қилинган болалар учун ҳайвонлар халоскор вазифасини бажаради.

“Оқ кема”да дастлаб буғуни ўз аждодлари сифатида эъзозлашади ва у қирғиз халқининг рамзига айланади. Кейинчалик эса, уларнинг эътиқодий қарашларига дарз кетади. Улар ўз аждодларига хиёнат қилишади, қадриятлар оёқости қилинади. Бу жараён куйидаги воқеадан бошланади:

“...Довруқ солган маърака кўп кунлик байрамдай ўтди. Бойнинг мақтанчоқ ўғиллари бошқаларни лол қолдиришни, шухратлари оламга ёйилишини орзу қилишди. Яна бунинг устига мангу уйкуга кетган шавкатли оталари Шохдор она буғу авлодидан эканлигини ҳамма билиши учун унинг қабрига буғу шохини ўрнатишни ўйлаб топишди. (“ Э бўтам, қадимги одамлардан қолган гап бор: бойлик – такаббурликни, такаббурлик эса – телбаликни туғдиради”.)

Бойнинг ўғиллари ота хотирасига кўз кўриб, қулоқ эшитмаган ёдгорлик ўрнатишни исташгани учун ҳам ҳеч нима уларга тўсқинлик қила олмади. Айтилган сўз – отилган ўқ. Овчиларни ёллашди. Овчилар буғу отиб, шохини танасидан айиришди. Буғу шохларининг тепага таралиб туриши парвоз қилаётган бургутнинг қанотига ўхшарди. Буғу шохлари ўғилларга ёқиб тушди: уларнинг ҳар бири ўн саккиз бутуққа бўлинган – демак, ўн саккиз ёшда экан. Яхши! Улар шохни қабр устига ўрнатиш учун усталарга фармон беришди”. [6, 28]

Айнан шунга ўхшаш мотив шимолнинг кичик халқлари орасида “Каэнген” афсонасида ҳам мавжуд. Афсонада бўриларга эътиқод қўйган халқ тасвирланади. Улар бўрилар билан тинч-тотув яшашади. Улар бўрига сиғинишади, муқаддас деб билишади, бироқ худди “Оқ кема” дагига ўхшаб бир овчи муқаддас ҳайвон бўрини ўлдиради. Бу овчи Аякучо оилавий тақиқни бузганлиги учун содир бўлади. У фойда олиш мақсадида бўри терисини сотишни бошлайди. Шунинг учун бўри уни жазолайди, яъни унга ҳужум қилиб, кўзларини кўр қилади. Овчи кўр бўлиб “Каэнген” лақабини олади, бу, “бўри белгиси” деган маънони англатади.[7] Шунинг учун ҳам шимол мифологиясида бўри одил судловчи сифатида ҳаракат қилади.

Икки афсонада ҳам буғу ва бўри образлари рамзий маънони ифодалаш учун хизмат қилган. Икки образ воситасида қадриятларни оёқости қилиш, тотем ҳайвонга бўлган ишонч ва эътиқодларнинг йўқолиши, ўз илдизига ўзи болта уриш ҳолатлари акс этади. Табиат ва инсонлараро муносабатлар, улардаги мувозанатнинг бузилиши каби масалалар ёритилади.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, Чингиз Айтматов архетип образлар орқали “замонавийлик метафораси сифатида мифологик образларни қайта яратади” [8, 52] ва улар ёрдамида асар ғоясини очишга ҳаракат қилади. Яъни, архетип образлар унинг асарларида табиат, диний эътиқод, оқибат, эзгулик, халқ рамзи каби маъноларни ифодалашга хизмат қилади.

#### Адабиётлар:

1. www.ziëuz.com Назар Эшонқул. Чингиз Айтматов сабоқлари. // Халқ сўзи.
2. Алламбергенов Ҳ. Архетип илк образ демакдир. //Шарқ юлдузи – 2016.
3. Абдурахмонов А. Туркий халқлар оғзаки ижоди. – Самарқанд, 2006.
4. Айтматов Ч. Асрга татиғулик кун. Қиёмат. Романлар. – Т., 1989.
5. Айтматов Ч., Шохонов М. Чўққида қолган овчининг охи-зори. –Т.: Шарқ, 1998.
6. www.ziëuz.com кутубхонаси. Айтматов Ч. Оқ кема.
7. Суперленинка.ру Ю.Г. Хазанкович. Архетип «волка» в фольклоре и литературе.
8. Сиздиқбоев Н. Чингиз Айтматов бадииятининг айрим қирралари//тил ва адабиёт таълими.–2008.

(Тақризчи: Ҳ.Жўраев – филология фанлари доктори)